

## Аёлнинг либоси



15:00 / 25.04.2019 2653

Агар аёл киши ва балоғатга етган қиз кўчаларда, жамоат жойларида, номаҳрамлар олдида авратларини очиб юриши (калта кўйлак ва юбка, тор шим, юпқа, ҳарир либос кийиши)...

- Уни Аллоҳнинг ғазабига дучор қилишини;
- унинг қадрини ерга уришини;
- унинг аёллик тароватини кетказишини;
- унинг файзини ва нурини сўндиришини;
- шу “кийим”и сабаб улкан гуноҳга ботиши билан бирга, қанчадан-қанча эркакларнинг гуноҳкор ва бемор (жинсий заиф, импотент, простатит) бўлишига сабабчи бўлишини;
- унга кўзи тушган илм талабидагиларнинг хотираси сусайиб, илмдаги шижоатига зиён етишини;
- муслималик номига доғ тушириб, диндошларига нисбатан ҳурматсизлик қилаётганини;
- қалбини қорайтиришини ва қотиришини;

- ризқидан, уйдан барака кетишини;
- фарзандларининг тарбияси ва келажагига салбий таъсир кўрсатишини;
- аждодлари у каби кийинмаганини;
- охиратдаги оғир ҳисоб-китобни;
- бу қилган гуноҳи учун дўзах оловида куйишини, у олов эса нон ёпиладиган тандирдаги оловдан даҳшатлироқ эканини;

Агар бу дунёда Аллоҳ ва Расули буюрганидек авратларини беркитиши охират диёрида унга роҳат-фароғат келтиришини билганида эди,

**Ўша аёл Аллоҳ буюрганидек, миллатимизга мос равишда кийинган бўларди!**

Эй муслима опа-сингилларим! Мендан ранжиманг! Бу гапларни мен ичимдан тўқиб ёзаётганим йўқ, балки сизу бизни яратган Аллоҳ таолонинг мўминаларга қарата қилган хитобини эслатмоқдаман. Агар авратингизни қандай ёпишни билмасангиз, Аллоҳ таолонинг сизлар учун таъкидланган мана бу буйруғига қулоқ осинглар:

**«Сен мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли). Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар. Зийнатларини кўрсатмасинлар...» (Нур сураси, 31-оят).**

«Зоҳир бўлган зийнатлар» деганда намозда юз, икки қадам ва икки кафт англанади. Намоздан ташқарида икки қадам ҳам авратдир.

«Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар» деганда бошларига ўраган рўмоллари фақат сочларини эмас, балки томоқлари, кўкслари ва кўкракларини ҳам тўсиб турсин деган маъно тушунилади.

Унутманг! Сизнинг Аллоҳ таоло буюрганидек либосда юришингиз нафақат сиз учун, балки отангиз, ака-укаларингиз, энг асосийси, турмуш ўртоғингиз ва биз мусулмонлар учун шараф ва фахрдир!